

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ**

ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОГРАФИЯ ИНСТИТУТИ

**Қўлёзма ҳукукида
УДК 94.575(338.966)**

АБДУЛЛАЕВ ТИМУР ПУЛАТОВИЧ

XII-XV АСРЛАРДА ХОРАЗМ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим қилинган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

НУКУС–2010

Диссертация Урганч давлат университетининг Тарих кафедрасида
бажарилган.

Илмий раҳбар: тарих фанлари номзоди
Хожаниязов Гайратдин

Расмий оппонентлар: тарих фанлари доктори
Кдирниязов Мухаммад-Шарип

тарих фанлари доктори
Эшов Баходир Жураевич

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги
Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази

Диссертация ҳимояси 2010 йил _____ соат ____ да Ўзбекистон
Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Тарих,
археология ва этнография институти ҳузуридаги 07.00.01–“Ўзбекистон
тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун К.015.30.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида
ўтказилади.

Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 179-а. Тел:
(8-361) 224-05-98; факс: (8-361) 222-17-44; e-mail: istnuk@uzsci.net

Диссертация кўлёзмаси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Қорқалпоғистон бўлимининг Илмий кутубхонасида танишиш
мумкин (230100, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 179-а. Тел.: (8-361) 222-
68-39)

Автореферат 2010 йил “ ____ ” _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, т.ф.н.:**

С.У.НУРЖАНОВ

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тарихий ёдгорликлар, жумладан, ҳунармандчилик тарихини ўрганиш ва янги асосларда ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилган. Мустақиллик йилларида халқ ҳунармандчилиги тарихини ўрганиш ва унинг андозаларини авлодларга етказиш бўйича катта амалий ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 1997 йил 31 мартда “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон¹ ва қатор қарорлар қабул қилинди.

Тарихшунослик ва археологик тадқиқотларда Хоразмнинг ўрта асрлар ҳунармандчилиги, маҳсулотлар турлари, хом ашё манбалари масалалари айрим монографияларнинг боб ва фаслларида, мақолаларда ўз аксини топган бўлишига қарамасдан, Хоразмнинг ўрта асрларлардаги ҳунармандчилиги тарихи ёзма ва археологик манбалар маълумотлари асосида шу кунга қадар махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

XII–XIII аср бошларига келиб, Хоразмда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг кескин ўсиши, оммавий истеъмол молларига бўлган талабининг ошиши, ҳунармандчилик соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига, ички ва ташқи савдонинг жадал ривожланишига олиб келди. Кейинчалик мўғуллар босқини туфайли Хоразмда шаҳар маданияти, ҳунармандчилик ва савдо-сотик чуқур инқирозга юз тутди. Олтин Ўрда таркибида Хоразмнинг моддий маданияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у қисқа ривожланиш даврини бошдан кечирди. Амир Темур юришлари натижасида Хоразм мўғуллар зулмидан озод бўлиб, қўллаб соҳалар сингари ҳунармандчиликнинг ҳам юксалиш даври бошланди.

Таъкидлаш жоизки, Хоразм ҳунармандчилиги тарихидаги сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий омилларнинг аҳамияти ва ўрни илмий тадқиқотларда етарли даражада ўрганилмаган. Хоразмнинг ўрта асрлар даври ҳунармандчилик маданияти барча тармоқларини қамраб олувчи умумлашма тадқиқотлар ҳанузгача яратилмаган. Айниқса, ҳунармандчиликнинг турли соҳаларида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, тартибга солиш ва назорат қилиш, анъанавийлик, янгиликлар ва ўзгаришлар жараёни амалда умумлаштирилиб, кенг қўламда қиёсий тадқиқ қилинмаган. Шунинг учун ҳам ушбу муаммоларни жамлаб ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг хронологик чегараси. Диссертациянинг хронологик доираси XII–XV асрларни ўз ичига олади. Ўрганилаётган давр тарихи

¹ Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов фармони// Ўзбекистон овози. 1997.- 1 апрель.

бевосита Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар, Олтин Ўрда ва Темурийлар ҳукмронлиги даври билан боғлиқ.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразмнинг ўрта аср ҳунармандчилик маҳсулотлари тўғрисида араб-форс муаллифлари (ал-Истахрий, ал-Мукаддасий (Мақдисий)–X аср; ал-Курайший, Закариё ал-Қазвиний, ан-Нувайрий, ибн Абдузухр–XIII–XIV асрлар; ал-Бакувий, Маҳмуд ибн Вали–XV–XVII асрлар), XVI–XIX асрлардаги рус ва европалик элчи, сайёҳ, географ ва тарихчилар ўз асарларида қисман маълумот бериб ўтганлар.

Узоқ йиллик археологик тадқиқотлар давомида Хоразмнинг ўрта асрлардаги шаҳар ва қишлоқлари ҳамда бошқа ёдгорликларидан қулолчилик, темирчилик, мисгарлик, суяксозлик, тошни қайта ишлаш, шишасозлик устахоналари, маҳаллалари қолдиқлари топилган².

Мазкур ҳудуд ҳунармандчилигининг ўрганилиши А.Ю.Якубовский³, С.П.Толстов⁴, Н.Н.Вактурская⁵, В.Н.Ягодин⁶, Ю.А.Рапопортлар⁷ томонидан амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. Хоразмнинг ўрта асрлар даври ёдгорликлари ва шаҳар маданиятини ўрганиш кейинчалик ҳам давом этди⁸.

XX асрда фаолият олиб борган археолог олимларнинг илмий ишларида (С.П.Толстов, Н.Н.Вактурская, Е.Е.Неразик, О.А.Вишневская, В.Н.Ягодин, М.М.Мамбетуллаев, Ю.П.Маньков, Г.Х.Хужаниязов, М.-Ш.Қдырниязов,

² Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма // Материалы Хорезмской экспедиции (МХЭ). – М.: АН СССР, 1963. – Вып. 7. – С. 47; Алиакберова А. Ремесленный комплекс Джампыккалы // Вестник КК ФАН РУз. – Нукус, 1989. – №4. – С. 89–93; Қдырниязов М.-Ш., Қдырниязов О.Ш. Металлические изделия из средневекового Миздахкана // Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкент. – Шымкент, 2008. – С. 225–226.

³ Якубовский А.Ю. Развалины Ургенча // ИГАИМК – Л., 1930. – Вып. 2, Т. VI – С. 5–68; Ўша муаллиф. Городище Миздахкан // ЗКВ. – Л., Т. V, 1930. – С. 551–581

⁴ Толстов С.П. Древний Хорезм. –М.: МГУ, 1948. –С. 33, 156–157; Ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М.– Л.: АН СССР, 1948. – С. 308–315; Ўша муаллиф. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: Вост. лит., 1962. – С. 246–295.

⁵ Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемаха-кала // ТХАЭЭ. – М., 1952. Т. I, – С. 173–192; Ўша муаллиф. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. // ТХАЭЭ. – М., 1952. Т. II, – С. 467–49; Ўша муаллиф. О средневековых городах Хорезма // МХЭ. – М., 1963. – Вып. 7. – С.41–53.

⁶ Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части дельты Амударьи // МХЭ, – Вып. 7. – С. 73–97; Ўша муаллиф. К изучению топографии и хронологии древнего Миздахкана. // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 189–197; Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. –Ташкент: Фан, 1970. –С. 327; Ўша муаллифлар. Опыт палеодемографического изучения Миздахкана // ИМКУ. – Ташкент: Фан, 1978. – Вып. 14. – С. 43–52.

⁷ Рапопорт Ю.А. Раскопки городища Шах-Санем в 1952 г. // ТХАЭЭ. – М., 1952. Т. I. – С. 397–420.

⁸ Мамбетуллаев М.М., Қдырниязов М.-Ш. Городище Воянган // Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1982. – Вып. I. – С. 86–92; Маньков Ю.П. Археологические исследования караван-сарая Центрального Устюрта // Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1982. – Вып. I. – С. 93–121; Маньков Ю.П., Қдырниязов М.-Ш. Городище Джанпык кала // Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1984. – Вып. II. – С. 67–79; Қдырниязов М.-Ш. Городище Миздахкан в золотоордынское время // Тезисы докладов и сообщений. – Нукус, 1987. – С. 105–106; Ўша жойда. Доспанов О. Раскопки городища Джанпык кала в 1986 г. – С. 104; Туребеков М. Раскопки золотоордынского квартала городища Миздахкан в 1986 г. – С. 106–107; Хожаниязов Г., Қдырниязов М.-Ш., Доспанов О. Раскопки жилого квартала XII–XIV вв. в западной части Джанпык кала // Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1989. – Вып. IV. – С. 67–79; Қдырниязов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII–XIV веках. – Нукус: Каракалпакстан, 1989. – 176 с.

О.Т.Доспанов) хунармандчилик буюмлари–топилмалари, устахоналар, хом ашё манбалари тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида хунармандчиликнинг айрим соҳалари, устахоналарнинг шаҳарлар ҳудудида жойлашуви тизими каби муҳим муаммолар таҳлил қилинди⁹. XX асрнинг 90-йиллари–XXI аср бошларида Миздахқонда олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли савдо-хунармандчилик маҳаллаларининг қолдиқлари текширилиб, темурийлар даврига оид қулолчилик ва темирчилик буюмлари топилди¹⁰.

XX аср охири ва XXI аср бошларида Хоразмнинг бир қатор ўрта аср шаҳарларида (Миздахқон, Жампиққалъа, Буғрохон, Пулжой, Хива, Кердор, Куйиққалъа) кенг қўламдаги археологик тадқиқотлар олиб борилди ва янги хунармандчилик буюмлари аниқланди.

Н.Ю.Вишневскаянинг қўшни Туркменистон ҳудудидаги ёдгорлик топилмалари таҳлиliga бағишланган монографиясини мазкур диссертация мавзусига яқин ва фойдали бўлган тадқиқотлар сирасига киритиш мумкин.¹¹ Лекин бу асар ҳам асосан археология йўналиши бўйича ёзилган бўлиб, унда тарихшунослик муаммоларига кам эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги замон тарих фани олдида қўйилаётган талаблар ва тарихшунослик муаммоларига янгича ёндашув натижаси ўлароқ, тадқиқот ишларини мустақиллик ғояси асосида атрофлича олиб боришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Тадқиқот мавзуининг ўрганилганлик даражаси ва муаммога оид маълумотларнинг манбаларда қай даражада ўз аксини топганлиги масаласи диссертациянинг биринчи бобида атрофлича таҳлил этилган.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Хоразм Маъмун академияси ва ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети ҳамкорлигидаги ФА-А3-ГО28–“Хоразм ўрта аср шаҳарларининг моддий маданияти тарихи (Хоразм вилоятидаги археологик ёдгорликлар мисолида)” номли давлат гранти тадқиқот ишлари режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади манбашунослик, археологик ва этнологик тадқиқотлар асосида Хоразмнинг XII–XV асрларга оид хунармандчилик тармоқлари, маҳсулот турлари, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, технологик янгиликларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш, ўрта асрларда маҳаллий хунармандчиликнинг ривожланиш хусусиятлари ва

⁹ Кдырниязов М.-Ш. Культура Хорезма. XIII–XIV вв.: Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 2005. – 43 с.; Турганов Б.К. Металлообработывающее ремесло средневекового Хорезма (по археологическим материалам XIII–XIV вв.). – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 2009. – 27 с.

¹⁰ Кдырниязов М.-Ш. Ремесло Хорезма в эпоху Амира Темура и Темуридов // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2008. – №1. – С. 67-69.

¹¹ Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента (IV в. до н.э – начало XIII в. н.э). – М., 2002. – 175 с.

тарихий қонуниятлари, Марказий Осиё маданияти тарихида Хоразм хунармандчилигининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация олдига қуйидаги асосий вазифалар қўйилди:

- ўрта асрлар хунармандчилиги бўйича янги маълумотларни илмий муомалага киритиш, уларни тизимлаштириш, шу давр хунармандчилиги тарихига оид маълумотларни қиёсий таҳлил асосида умумлаштириш;

- хунармандчиликнинг асосий етакчи турлари ва тармоқлари, уларнинг таснифи, ишлаб чиқаришда мавжуд ташкилий ишлар тарихини ёритиш;

- Хоразмнинг ўрта асрларда амал қилган хунармандчилик соҳалари тарихини чуқур ва атрофлича ўрганиш;

- хунармандчилик маҳсулотларини комплекс тадқиқ қилиш ва шу асосда тўпланган маълумотларни ёзма манбалар маълумотлари билан қиёслаш орқали ўрта асрлар жамиятининг иқтисодий ва савдо алоқалари жараёнларини таҳлил қилиш;

- хунармандчилик буюм-топилмалари асосида мазкур соҳалардаги анъанавийлик, янгиликлар ва баъзи даврий ўзгарувчанлик жараёнларини илмий асосда тадқиқ қилиш;

- ўрта асрлар даври Хоразм аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хунармандчилик маҳсулотларининг аҳамиятини очиқ бериш;

- тадқиқот натижаларини умумлаштириб, Хоразмнинг ўрта асрлар даври маданияти тарихида хунармандчиликнинг ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Хоразмнинг ўрта асрлар даври хунармандчилиги тарихига оид ёзма манбалар, археология ва тарихшунослик маълумотлари, хунармандчилик турлари, маҳсулотлар таснифи, хунармандчиликдаги анъанавийлик ва ўзгарувчанлик жараёнларининг қиёсий ва умумлашма таҳлили танлаб олинган мавзунинг объекти ва предмети ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий маълумотларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, хронологик ёндашув, мавзуга оид илмий қарашларни жамлаб ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот манбалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ўрганиш бўйича концепция лойиҳаси¹², Президент И.А.Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги “Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

¹² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 31 б.; Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиҳа //O‘zbekiston tarixi – Тошкент, 1999. – №1. – Б. 31–34.

тўғрисида”ги фармони¹³, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида”ги (1996 йил 16 декабрь)¹⁴, “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги (1998 йил 23 июль)¹⁵ қарорлари тадқиқот учун асосий назарий ва услубий манба вазифасини ўтади. Шунингдек, диссертацияда Хоразмнинг ҳунармандчилик тарихига оид ёзма ва археологик-этнографик манбалар, илмий, тарихий адабиётлар, монографиялар, мақолалар, илмий тўпламлар, диссертация авторефератлари маълумотларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Диссертация мавзуси бўйича Миздахкон, Хива, Жампиққалъа, Қиёт, Олмаотишган I, II ва шу каби бошқа ёдгорликлардан қўлга киритилган топилмалар тўпланган фонд материаллари йиғимидан (Хивадаги Ичанқалъа музейлари, Нукус шаҳаридаги Давлат ўлкашунослик музейи, И.В.Савицкий номидаги Санъатшунослик музейи фондлари) ва ҳунармандчилик тарихига оид асосий маълумотлардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

– XII–XIII аср бошларида Хоразм шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўсиши туфайли ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган талаб ошади, натижада ҳунармандчилик турлари нафақат шаҳарларда, қишлоқларда ҳам кенг ривожланади;

– шу давр мобайнида янги технологияларни татбиқ этиш асосида тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳунармандчилигининг оммавий тарқалган турларига айланади;

– усталар ҳунармандчилик цехларини эслатувчи махсус ишлаб чиқариш ташкилотларига уюшиб, устахоналарнинг фаолияти турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун янги иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш мақсади билан боғланган;

– XX асрга оид айрим нашрларда ўз аксини топган Хоразмнинг Олтин Ўрда таркибидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги бирёқлама фикр-хулосаларни қайта кўриб чиқиш лозим. Маҳаллий аҳолининг бунёдкорликка интилиши туфайли XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хоразмда шаҳарсозлик ва ҳунармандчилигининг юксалиши бошланган;

– ҳунармандчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши, савдонинг ташкил қилиниши, маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларнинг изланиши халқаро карвон савдоси ривожини янги босқичга олиб чиқди. Қулай ташқи

¹³ Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов фармони// Ўзбекистон овози. 1997. – 1 апрель.

¹⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори // Халқ сўзи. 1996. – 17 декабрь.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1998. – №6 – Б. 3–5.

бозорларни аниқлаш, ҳунармандчилик соҳаларида технологик янгиликларни яратишни ва уларни амалиётга татбиқ этишни талаб қилди;

– XIV–XV асрлар давомида олиб борилган савдо-сотиқ ва маданий алоқалар орқали Хоразм Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Уралолди шаҳарлари ва бошқа аҳоли масканлари ҳунармандчилигининг ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида қуйидагилар ўз аксини топди:

– замонавий концептуал қарашлар асосида Хоразм воҳасида ривожланган ўрта асрлар ҳунармандчилиги тарихи биринчи бор комплекс таҳлил қилиниб, ёзма ва археологик манбаларни қиёсий таққослаш ва умумлаштириш орқали янги маълумотлар илмий муомалага жорий этилди;

– мавжуд маълумотлар мажмуаси илмий асосда таҳлил қилиниб, ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиш омиллари, жараён ва босқичлари, уларнинг хом ашё манбалари аниқланди. Ўрта аср ҳунармандчилик маҳсулотлари турларидан ҳар бирининг таснифий тузилиши белгиланди;

– ишлаб чиқариш устахоналарининг тузилиши, таркиби, фаолияти ва уларда йўлга қўйилган ташкилий ишлар ҳамда, умуман, ҳунармандчилик соҳалари билан боғлиқ этнографик материаллар тарихий изчиллик ва қиёсий таҳлил асосида мукамал ўрганилди;

– маълумотларга ҳолисона ёндашиш йўли билан Хоразмда ҳунармандчиликнинг турли даврий босқичлардаги (XII–XV асрлар) ўзига хос хусусиятлари, анъаналари аниқланиб, соҳага киритилган янгиликлар очиб берилди;

– музейлар фондларида сақланаётган ҳамда сўнгги йиллардаги археологик-этнографик тадқиқотлар жараёнида тўпланган янги ҳунармандчилик маҳсулотлари мажмуасига оид маълумотлар илмий тадқиқот ишига жалб этилди ва илмий хулосалар қилинди;

–Хоразм воҳасининг қўшни халқлар билан моддий маданият соҳасидаги ўзаро алмашинув жараёнлари, шунингдек, ташқи маданий-иқтисодий алоқаларда маҳаллий ҳунармандчиликнинг ўрни кўрсатиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация доирасида ўз ечимини топган ишланмалардан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиладиган “Ўрта Осиёнинг ўрта аср шаҳарлари ва ҳунармандчилиги”, “Ўрта Осиёда кулолчилик ҳунармандчилиги” номли махсус курсларда, Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар босқичлари бўйича янги тадқиқотлар ва амалий ишланмаларда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертацияда келтирилган тадқиқот натижаларидан ал Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети ва туризм коллежи талабаларига “Ўрта асрларлар тарихи”, “Ўрта Осиёнинг ўрта аср шаҳарлари ва давлатлари”, “Хоразм тарихи”, “Ўлкашунослик”,

“Музейшунослик” фанларидан таълим бериш жараёнида фойдаланилмоқда. Тадқиқотнинг манбавий негизи бўлган хунармандчилик маҳсулотларининг ноёб намуналари Хива шаҳридаги Ичанқалъа ва Қорақалпоғистон Республикаси музейлари (Ўлкашунослик ва И.В.Савицкий номидаги Санъат музейи) экспозицияларида кенг оммага намойиш этилмоқда.

Тадқиқотнинг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни, натижалари ва хулосалари ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети тарих факультети илмий кенгаши мажлисларида, республика илмий анжуманларида илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган. Шунингдек, тадқиқот иши ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети “Тарих” кафедраси йиғилишида, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети “Тарих ва археология” ҳамда “Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихи” кафедраларининг қўшма мажлисида, ЎзР ФА ҚҚБ “Тарих” ва “Этнография” бўлимлари қўшма илмий семинар мажлисларида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий илмий хулосалари, таклиф ва тавсиялар муаллиф томонидан тадқиқот мавзуи юзасидан эълон қилинган 9 та илмий мақолада ўз аксини топган бўлиб, улардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган архив, фонд, илмий адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг ҳажми 150 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий жиҳатдан ўрганилганлик даражаси, манбавий асослари, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, назарий-услубий асослари, даврий чегараси, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши асосланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Хоразмнинг ўрта асрлар хунармандчилигига оид ёзма манбалар, археология ва тарихшунослик маълумотлари таҳлили”** деб номланиб, унда асосий эътибор Хоразм хунармандчилиги тарихига оид ёзма манбалар маълумотлари ҳамда археология ва тарихшунослик тадқиқотлари натижалари таҳлиliga қаратилди.

Хоразм хунармандчилиги тармоқлари, устахоналари, маҳсулот турлари, хом ашё манбалари ва бошқалар тўғрисида ўрта асрлар араб-форс муаллифлари, XVIII–XIX асрлардаги рус ва бошқа чет мамлакатлар элчилари ва сайёҳлари асарларида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, XX аср

тадқиқотчиларнинг тарихшунослик, этнографик, археологик изланишлари натижасида масаланинг айрим жиҳатлари юзасидан маълумотлар тўпланган.

Дастлаб, араб-форс муаллифларидан ибн Руста, ал-Истахрий, ал-Муқаддасий, номаъул муаллиф қаламига мансуб “Худуд ал-олам” номли жуғрофий асар ва бошқа асарларда Хоразм хунармандчилиги маҳсулотлари тўғрисида қисқа маълумотлар берилган¹⁶.

XIII аср муаллифи Муҳаммад ан-Насавий Хоразм қўшинидаги қурол-аслаҳалар хусусида маълумот берса, Хоразм элатлари ҳақидаги батафсилроқ маълумотни ал Муқаддасий ёзиб қолдирган. Ёқут ал Ҳамавий Хоразмга борганлигини, мазкур обод ўлкада қишлоқлар бир-бирига тутшиб кетганлигини баён қилади¹⁷.

Форс тарихнавислиги намояндаси Закариё ал Қазвинийнинг ўрганилаётган давр хусусидаги маълумотлари, XIII аср муаллифи ал Қурайшийнинг Хоразм пойтахтидаги ихтисослашган хунармандчилик турлари ҳақидаги гувоҳлиги мавжуд¹⁸.

Олтин Ўрда таркибидаги Хоразм хусусидаги илк маълумотлар европалик сайёҳ Плано Карпини эсдаликларида тилга олинади¹⁹. 1260 йили ака-ука Николо ва Маффео Пололар Сарой шаҳридан Устюрт орқали ўтиб, Хоразмнинг пойтахти Урганчга етиб келишади²⁰. XIV асрда италиялик Франсиско де Бальдуччи Пеголотти томонидан тайёрланган савдо йўриқномасида ҳам Урганч шаҳри тилга олинган²¹.

Араб муаллифларидан ан-Нувайрий ҳамда Ибн Абдузўхрлар ўз асарларида Хоразмдан ташқи савдога чиқариладиган маҳсулотлар хусусида маълумот берадилар²². Шунингдек, XIII аср муаллифи Муҳаммад ибн Мансур, грузинларнинг поэтик мероси “Абдул Мессия” (муаллифи Ионэ Шавтели)²³ ва Шаҳобиддин ал Умарийлар²⁴ ўз маълумотларида Хоразмдан ташқи дунёга ишлов берилган феруза, сердолик ва бошқа тош маҳсулотлари чиқарилганлигини таъкидлайдилар.

Шаҳобиддин ал-Умарий Хоразмнинг Баратегин қишлоғи ва тоғ олди шаҳарларида (Жампиққалъа) тегирмон ва қозон тошлари тайёрланганлиги хусусида маълумот беради²⁵. 1333 йили Урганчга мағриблик (марокашлик) сайёҳ ибн Баттута ташриф буюради. Унинг 1356 йилда ёзилган “Тухфат ан-

¹⁶ Материалы по истории туркмен и Туркмении (МИТТ). – Том.1. VII–XV вв. Арабские и персидские источники. Под редакцией С.Л. Волина, А.А. Ромаскеича и А.Ю. Якубовского//Труды Института востоковедения. – М.–Л.: АН СССР. – XXIX, 1939. – С. 202.

¹⁷ МИТТ. Т. 1. – С. 419.

¹⁸ Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097–1231). – М.: Наука, 1986. – С.102.

¹⁹ Плано Карпини Джованьни. История монголов / Пер. А.И.Малеина. – В кн.: Плано Карпини Дж. История монголов. Рубрук Г. Путешествие в восточные страны. – М., 1957. – С. 46, 209.

²⁰ Книга Марко Поло / Пер. И.И.Минаева. – М., 1955. – С. 20.

²¹ Pegolotti F.B. La Rratica della Mercature / Ed. By A. Evans. – Cambridge – Massachusetts, 1936. – P. 26–28.

²² Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. – СПб, 1884. Т. 1. – С. 60, 152.

²³ Поэзия народов СССР. – М.: Художественная литература, 1976. Т. IV. – С. 167.

²⁴ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов ... – С. 242.

²⁵ Тизенгаузен В.Г. Кўрсатилган асар ... – С.242.

нуззар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-афсар” номли тарихий асарида Хоразм шаҳарлари ҳам тилга олинган²⁶. Абдурашид ал Бакувий Гурганжнинг моҳир “зардўзлари” ҳақида ёзади²⁷.

Муҳим манбалардан яна бири ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” номли асаридир²⁸. 1436–1437 йилларда ёзилган мазкур асарда иқтисодиёт, маданият, савдо ва шаҳарлар ҳаётининг бошқа соҳалари хусусида талайгина маълумотлар мавжуд. Ал-Бакувийнинг XV аср бошларида яратилган географик асарининг катта қисми ҳам Хоразм ва Ўрта Осиё шаҳарлари масаласига бағишланган.

XIV аср охири–XV аср бошларида Хоразмда кечган воқеалар силсиласи ва воҳанинг хўжалик ҳаётини ўрганишда темурийлар даври тарихчиларининг асарлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Низомиддин Шомий²⁹, Шарафуддин Али Яздий³⁰, Абдураззоқ Самарқандийнинг³¹ асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Хоразмнинг XIV аср охиридаги тарихи хусусида “Искандар хуфёнаси” асарида ҳам қисман маълумотлар мавжуд³². Темурийлар даврига оид маълумотларни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари тўлдиради³³.

XVII асрда ёзилган “Шажарайи турк” асарининг муаллифи Хива хони Абулғози Баҳодирхон ҳам Хоразмнинг ўрта асрлар даври тарихидан хабар берувчи муаллифлар сирасига киради³⁴. Кўҳна Урганчда 1558 йилда бўлган “Москва–Лондон” савдо компанияси вакили А.Женкинсон келтирган маълумотлар ҳам қимматли ҳисобланади³⁵. Ёзма манбаларнинг бу гуруҳини йирик қомусий олим Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор фи манокӣб ул-ахёр” асари тўлдиради³⁶.

XIX асрда ҳам Хоразмнинг ўрта асрлар даври тарихига оид кўплаб асарлар юзага келди. Г.Базинер³⁷, Г.И.Данилевский³⁸, В.В.Григорьев³⁹,

²⁶ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... – С. 307–314; Ибн Баттута. Саёхатнома (Тухфат ан-нуззар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-афсар) / Мукаддима, араб тилидан таржима Н.Иброҳимов. – Тошкент: Шарк баёзи, 1993. – 104 б.

²⁷ Ал Бакуви. Талхис ал асар ва аджаиб ал-малик ал-каххар. – М.: Наука, 1971. – С. 91.

²⁸ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды... – С. 460–472; Уватов У. Сведения Ибн Арабшаха о Мавераннахре//Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока. – Ташкент, 1975. – Вып. 2. – С. 98–102.

²⁹ МИТТ. Т. I. – С. 514–523, – С. 104–126.

³⁰ МИТТ... Т. II. – С. 155–168; Тизенгаузен В.Г. Кўрсатилган асар. Т. II. – С. 144–190.

³¹ МИТТ... Т. I. – С. 531–535; Тизенгаузен В.Г. Кўрсатилган асар. Т. II. – С. 190–202.

³² Тизенгаузен В.Г. Кўрсатилган асар. Т. II. – С. 126–139.

³³ Заҳириддин Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1993. – 171 б.

³⁴ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 192 б.

³⁵ Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг//Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. – Л., 1938. – С. 178.

³⁶ Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география) / Пер. Б.А. Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 19, 35, 43–44.

³⁷ Савельев З.П. Путешествие Г. Базинера через киргизскую степь в Хиву//ГИ. – СПб., 1849. Кн. IV. – С. 206–211.

³⁸ Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // ЗРГО. – СПб. 1861. Кн. V. – С. 62–153.

³⁹ Григорьев В.В. Описание Хивинского ханства и дорога туда из Сарайчиковой крепости // ЗРГО. – СПб. 1861. – №2. – С.105–138.

Н.Веселовский⁴⁰ ларнинг асарлари шулар жумласидандир. Ўрганилаётган давр муаммолари А.Л.Кун⁴¹, А.Н.Самойлович⁴², М.И.Иванин⁴³ ларнинг асарларида ҳам анча батафсил баён қилинган.

Хоразмнинг ўрта аср шаҳарларини изчил ўрганишнинг бошланиши ХХ асрнинг 20–30-йилларига тўғри келади. Тадқиқотлар натижалари А.Ю.Якубовскийнинг асарларида ўз аксини топган⁴⁴.

Хоразмнинг ривожланган ўрта асрлар даври тарихий ёдгорликларини ўрганишнинг иккинчи босқичи 1937 йилда С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик-этнографик экспедициясининг ташкил этилиши билан боғлиқ⁴⁵. Узоқ йиллар мобайнида экспедиция аъзолари томонидан кўплаб ўрта аср ёдгорликлари топиб текширилди.

Ўрта асрлар Хоразм ҳунармандчилиги тарихининг тадқиқ қилиниши А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Н.Н.Вактурская, Е.Е.Неразик, Г.А.Федоров-Давыдов, О.Г.Большаков, В.Н.Ягодин ва бошқаларнинг илмий изланишлари билан боғлиқ⁴⁶. А.Ю.Якубовскийнинг таъкидлашича, Хоразмда ҳунармандчилик саноати ривожланган, у, асосан, кўчманчи дашт аҳолисига хизмат қилган. Даштликлар учун пахта газламалари, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли учун эса кулолчилик маҳсулотлари етказиб берилган⁴⁷.

Воҳанинг ўрта аср ҳунармандчилик маҳсулотларининг ноёб нусхалари ҳақидаги маълумотлар ва шулар билан боғлиқ ҳунармандчилик тарихига оид фикрлар Хоразм цивилизациясини очган буюк қадимшунос С.П.Толстовнинг фундаментал асарларида ҳам ўз аксини топди⁴⁸.

1948 йили Н.Н.Вактурская Шемахақалъанинг марказий қисмида казишмалар олиб боради ва асосан XIII–XIV асрларга оид буюмларни қўлга киритади⁴⁹. Хоразмнинг ўрта асрлар кулолчилиги тарихига оид энг муҳим асар Н.Н.Вактурскаянинг асари ҳисобланади. Муаллиф ўз тадқиқотларида илк бор Хоразмнинг ўрта асрлар давридаги сопол тайёрлаш технологияси, буюм турлари, кулолчилик саноатининг ютуқларини кашф этишга уринди⁵⁰.

⁴⁰ Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877. – 364 с.

⁴¹ Кун А.Л. Культура оазиса низовьев Амударьи // МСТК. – СПб., 1886. – Вып. IV. – С. 203–254.

⁴² Самойлович Н.А. Краткий очерк о поездке в Ташкент и в Бухару и в Хивинское ханство прикомандированного СПб. университетом и русским комитетом приват-доцента Самойловича в 1908 г. // ИРКСА. – СПб., 1909. – № 19. – С. 15–29.

⁴³ Иванин М.И. Хива и река Амударья. – СПб., 1873. – С. 314.

⁴⁴ Якубовский А.Ю. Развалины Ургенча // ИГАИМК, – Л., 1930. Т. VI. – Вып. 2. – С. 5-68; Ўша муаллиф. Городище Миздахкана // ЗКВ. Т. V. – Л., 1930. – С. 551–581

⁴⁵ Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. – 352 с.

⁴⁶ Абдуллаев Т.П. История изучения ремесла в средневековом Хорезме // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2009. – № 3. – С. 97–100.

⁴⁷ Якубовский А.Ю. Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X–XV вв. // МИУТТ. – Л.: АН СССР, 1933. – С. 3–5.

⁴⁸ Толстов С.П. Древний Хорезм ... Табл. 2, 56, 57; Ўша муаллиф. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: Вост. лит., 1962. – С. 183–185.

⁴⁹ Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемаха кала ... – С. 173–192.

⁵⁰ Вактурская Н.Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (IX–XVII вв.) // Керамика Хорезма / ТХАЭЭ. – М.: АН СССР, 1959. Т. IV. – С. 261–342.

Г.А.Тургенев-Амитиров томонидан Кўҳна Урганч худудидаги Тошқалъанинг ҳунармандлар маҳаллалари очиб ўрганилди⁵¹. Шехрликда 1961 йили олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида шаҳар худудидан кулолчилик, шишасозлик металлсозлик ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи устахоналар қолдиқлари топилди⁵². 1962, 1964–1965 йилларда Миздахқондаги тадқиқотлар жараёнида В.Н.Ягодин томонидан шаҳарнинг III асрдан XIV асрга қадар бўлган даврни қамраб олувчи йирик қабристон қазиб ўрганилди⁵³.

1965 йилдан бошлаб, Ю.П.Маньлов бошчилигидаги экспедиция томонидан олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Хоразмшоҳлар ва Олтин Ўрда даврига оид материаллар қўлга киритилди. Топилган сопол буюмлар сирасига ривожланган ўрта асрлар даврига оид хумлар, кўзалар, сирланган коса ва идиш-товоқлар киради⁵⁴.

Хоразмнинг темирчилик, шишасозлик ва кулолчилик буюмлари намуналари ҳақидаги маълумотлар О.А.Вишневская ва Е.Е.Неразик ҳисоботларида келтирилган⁵⁵. О.А.Вишневская 1963 йилда чоп этилган мақоласида ўрта асрларга оид жез безаклар, темир пичоқ, шунингдек, айрим номаълум буюмларнинг расмларини келтирган⁵⁶.

Хоразм археологик экспедициясининг тадқиқотчиси Е.Е.Неразик 1966–1971 йилларда олиб борган изланишлари натижасида Акча Гелин, Шоҳсанам, Кўҳна Уваз, Ёрбакирқалъа, Қизилчақалъа ва Қаватқалъа худудларида ўзига хос тарихий-маданий ёдгорликларни кашф этди⁵⁷.

Хоразмнинг ривожланган ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи тўғрисида тадқиқотчи Г.А.Федоров-Давыдов асарларида ҳам диққатга сазовор маълумотлар мавжуд⁵⁸.

1985 йилдан бошлаб, Миздахқонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида XIII–XIV асрларга оид бадавлат аҳоли ва ҳунармандлар маҳаллалари ўрганилиб, турли материаллар қўлга киритилди⁵⁹. В.Н.Ягодин⁶⁰, М.М.Мамбетуллаев⁶¹, Ю.П.Маньлов⁶², Г.Х.Хўжаниёзов⁶³, М.-

⁵¹ Тургенев-Амитиров Г.А. Раскопки комплекса Южных ворот и крепостной стены Таш-калы // ТХАЭЭ. – М.: АН СССР, 1958. Т. II. – С. 494–504.

⁵² Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. // МХЭ. – М., 1963. – Вып. 7. – С. 50–51.

⁵³ Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана ... – С. 7.

⁵⁴ Маньлов Ю.П., Кдырнязов М.-Ш. Городище Джанпык-кала ... – С. 76–77.

⁵⁵ Неразик Е.Е. Сельское жилище Хорезма (I–XIV вв.). – М.: Наука, 1976. – 256 с.

⁵⁶ Вишневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях левобережного Хорезма // МХЭ. – М., 1963. – Вып. 7. – С. 60.

⁵⁷ Неразик Е.Е. Сельское жилище Хорезма ... – С. 3–117; 151–152.

⁵⁸ Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки квартала XV–XVII вв. на городище Таш кала//ТХЭЭ. – М.: АН СССР, 1958. Т. II. – С. 505–528.

⁵⁹ Кдырнязов М.-Ш. Городище Миздахкан в золотоордынское время ... – С. 105–106; Турбеков М. Раскопки в золотоордынском квартале городища Миздахкан в 1986 г. ... – С. 107.

⁶⁰ Ягодин В.М., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. – Ташкент: Фан, 1970. – С. 104–106; Ягодин В.М. Стреловидные планировки Устюрта//Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1991. – Вып. V. – С. 134, 135, 137, 139, 143.

⁶¹ Мамбетуллов М.М. Кухонная посуда Кердера (Северный Хорезм) IX–XII вв.//Вестник ККО АН РУз. 2006. – №5. – С. 78–94; Мамбетуллаев М.М., Турманов Ж.Т., Юсупов О.Ж. Поливная керамика Кердера//

Ш.Қдирниёзовларнинг⁶⁴ тадқиқотларини шундай тадқиқотлар жумласига киритиш мумкин.

О.Т.Доспанов, А.Алиакберованинг мақолаларида Жампиққалъа ва Гулдурсун ёдгорликларида XII–XIV асрларда маҳаллий усталар томонидан ҳунармандчилик маҳсулотлари қайтарзда ишлаб чиқарилганлиги, ишлаб чиқариш жараёнлари қандай ташкил этилганлиги масалалари ўз аксини топган⁶⁵.

Археологик тадқиқотлар натижасида ҳунармандчилик устахоналари, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўрганилиб, буюмлар ва қуролларнинг шакллари, уларнинг рўзғор учун ёки иқтисодий ва ҳарбий соҳаларга мўлжалланиши таҳлил қилинди. Аммо ҳунармандчиликдаги ташкилий ишлар муаммолари етарли даражада ўрганилмади, шунингдек, ҳунармандчиликда технологик янгиликларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш, ўрта асрларнинг турли даврларига хос эҳтиёж ва ижтимоий-иқтисодий талаблардан келиб чиқиб, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хусусий устахоналарда меҳнатни ташкил қилиш каби масалалар айрим мақолалар ва монографияларнинг бобларида қисқача ёритилди, ҳолос.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ҳунармандчилик тармоқлари ва маҳсулот турлари”** деб номланиб, унда ўрта асрлар Хоразм ҳунармандчилигининг хом ашё манбалари, ҳунармандчилик маҳсулотлари турлари ва уларнинг таснифи ҳамда ҳунармандчиликдаги ташкилий ишлар масалалари таҳлил этилди.

Ўрганилаётган даврда воҳа ҳунармандчилигининг асосий хом ашё манбаларини маҳаллий конлардан олинган металл рудалари ҳамда

Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2006. – №1–2. – С. 109; Мамбетуллаев М.М., Ходжайов Т.К. Раннесредневековый некрополь Куюккала. – М., 2008. – С. 117–189.

⁶² Манылов Ю.П. Железные орудия труда VIII в. с городища Ток кала // Вестник КК ФАН УзССР – Нукус, 1962. – № 3. – С. 80–83; Манылов Ю.П. Бронзовая накладка со сценой охоты из Хорезма // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С.86–89; Манылов Ю.П. Археологические исследования караван-сарая Центрального Устюрта // Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1982. – Вып. 1. – С. 98–121; Манылов Ю.П., Кдырнийзов М.-Ш. Городище Джанпик кала // Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1984. – Вып. II. – С. 67–80.

⁶³ Ходжаниязов Г. Вильчатый наконечник стрелы XIV в. из Миздахкана // История и материальная культура Каракалпакстана. – Нукус, 2006. – Вып. 1. – С. 68–72.

⁶⁴ Кдырнийзов М.-Ш. История материальной культуры городов Хорезма XIII–XIV вв. – Нукус: Каракалпакстан, 1989. – С.111; Кдырнийзов М.-Ш., Кдырнийзов О.-Ш. Металлические изделия из средневекового Миздахкана // Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкент. // Материалы Международной научно-теоретической конференции. –Шымкент, 2008. –С.211–227; Кдырнийзов М.-Ш. Ремесло Хорезма в эпоху Амира Тимура и Тимуридов // Вестник ККО АН РУз. Нукус, 2008. – № 1. – С. 67–70.

⁶⁵ Доспанов О.Т. О некоторых результатах раскопок Джанпик кала в 1987-1989 гг. // Новые открытия в Приаралье. – М., 1991. – Вып. 2. – С.70–75; Ўша муаллиф. Жампик қала-орта эсир естелиги. – Нөкис, 1992. – Б. 85–96; Доспанов О.Т, Торежанова Н.Ж. К изучению металлических изделий из городища Джанпик кала // ИМКУ. –Самарканд, 1999. – Вып. 30. – С.291–297; Алиакберова А. Ремесленный комплекс Джампик-калы // Вестник КК ФАН РУз. – Нукус, 1988. – №4. – С. 89–93.

қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ташкил қилган. Кулолчиликда ҳам маҳаллий тупроқдан фойдаланилган.

Хоразмнинг ривожланган ўрта асрлар кулолчилик маҳсулотлари турлари XX асрнинг 50–60-йилларида Е.Е.Неразик ва Н.Н.Вактурскаялар томонидан тўлароқ ўрганилган⁶⁶.

XII–XV асрлар сопол буюмлари, асосан, хўжалик ва ошхона идишларидан иборат. Ошхона идишларига хум, кўза, ғулча, тоғора, коса, пиёла, ликобча, қозон каби буюмлар тааллуқли. XIV–XV асрларда Хоразмда янги шаклдаги хумлар ишлаб чиқарилган.

Хоразмнинг сирланмаган сопол маҳсулотлари мажмуасини, дигир-чиғир кўзалари, қозон ва кўзалар копқоғи, чироклар ва бошқа стандартланмаган, лекин асосан дастгоҳда ишланган буюмлар тўлдиради. Диссертацияда мазкур буюмлар ҳамда юқорида қайд қилинган хўжалик ва ошхона идишларининг шакли, тузилиши, улар сиртига чизилган нақшлар, ишланиш технологиясидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинди.

XII–XV асрлар кулолчилик маҳсулотларининг иккинчи туркумини сирланган буюмлар ташкил қилади. Бу даврда воҳа кулоллари ўз маҳсулотларини сариқ, кўк, яшил (феруза) кўрғошиндан тайёрланган рангсиз қоришма (глазурь), кобальт туридаги сирлар билан сирлаганлар.

XII–XIII асрларда Марказий Осиёнинг шаҳарсозлик марказларида қандил деб номланган ҳамда юксак бадий санъат даражасида тайёрланган идишлар кенг тарқалади. Эрон, Ироқ, Жанубий Туркменистон (Марв, XII аср), Самарқанд ва Бухоро (XII–XIII аср бошлари) қандил маҳсулотлари маркази бўлиб, XII–XV асрларда қандилларни Хоразмда ҳам учратиш мумкин эди⁶⁷.

Ёзма манбаларда мўғуллар босқинига қадар Хоразмдан қулф, эгар-жабдуқ, сувлиқ, от тақалари, камонлар ташқи савдога чиқарилиши айтилган⁶⁸. Хусусан, ан-Нувайрий ва Ибн Абдузхрлар бундай маҳсулотлар Хоразмдан Олтин Ўрда даврида ҳам ташқи савдога кўплаб чиқарилганлиги ва уларнинг юқори баҳоланишини таъкидлайдилар⁶⁹.

Ал-Қурайший маълумоти бўйича ўз даврида Хоразмда 50 га яқин ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари мавжуд бўлган. Закариё ал Қазвиний Гурганж аҳолиси моҳир ҳунармандлар бўлганлиги, айниқса,

⁶⁶ Неразик Е.Е. Керамика Хорезма афригидского периода//ТХАЭЭ. – М.: АН СССР, 1959. Т. IV. – С. 221–260; Вактурская Н.Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (IX–XVII вв.) ... – С. 261–342.

⁶⁷ Пугаченкова Г.А. К открытию люстровой керамики в Мерве в XII в. //Известия АН Туркменской ССР. Серия общ. наук. – Ашхабад, 1960. – № 5. – С. 84–86; Шишкина Г.В. Глазурованная керамика Согда. – Ташкент: Фан, 1979. – С.23, 36; Мирзахмедов Ж.К. Новые находки люстровой керамики из Бухары// ИМКУ. – Самарканд, 1999. – Вып. 30. –С.301–306.

⁶⁸ Якубовский А.Ю. Феодалное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой ... – С.3.

⁶⁹ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды ... – С. 60, 100, 152.

темирчилик, дурадгорлик ва бошқа ҳунармандчилик соҳалари замонасида юксак ривожланган эканлиги хусусида ёзади⁷⁰.

Хоразмнинг XII–XIV асрлардаги Шехрлик⁷¹, Жампикқалъа⁷², Миздахкон⁷³, Кўҳна Урганч⁷⁴ каби ёдгорликларидан темирчилик ҳунармандчилигининг таянч кўрсаткичи ҳисобланувчи “тигел”лар (ўтга чидамли гил, тош, темир қозон) жуда кўплаб топилган. Тигеллардан мисгарлик, заргарлик соҳаларида рангли металллар ва темир эритишда фойдаланилган.

Хоразм ёдгорликларидан аниқланган темирчилик ҳунармандчилиги излари бу ҳудудда металлсозлик тармоғининг жадал ривожланганини кўрсатади⁷⁵. Хоразм темирчи усталари тайёрлаган маҳсулотларни қўлланиш соҳасига кўра меҳнат қуролилари, уй-рўзғор буюмлари, чорва анжомлари ва ҳарбий қурол-аслаҳалар сингари алоҳида гуруҳларга ажратиш мумкин.

Меҳнат қуролилари тадқиқотларда энг кўп учрайдиган буюмлар сирасига киради. Хоразмда қадимдан шаклланган ўтроқ ва суғорма деҳқончилик хўжалигида меҳнат самарадорлигини оширишга интилиш металлдан ишланган қуролиларнинг такомиллашувига олиб келган⁷⁶. Меҳнат қуролилари ичида ўроқлардан, даставвал, универсал мақсадларда фойдаланилиб, кейинчалик улар трансформацион ўзгаришларга учраганини кузатиш мумкин.

Хоразмнинг ўрта аср шаҳарларида кўп учрайдиган пичоқларни функционал белгиларига кўра, икки гуруҳга: универсал-хўжалик пичоқлари ва махсус ихтисослашган фаолиятга мўлжалланган пичоқларга ажратиш мумкин. Бундай пичоқлар Хоразмнинг Тўққалъа, Куюкқалъа, Бургутқалъа, Якка Порсон⁷⁷, Қаватқалъа, Гулдурсин ёдгорликлари, шунингдек, Олтин Ўрда даври ёдгорликларидан (Кўҳна Урганч, Шемаха, Шехрлик, Пулжой, Миздахкон, Жампикқалъа ва карвонсаройлар – Талайхон ота, Ажигелди,

⁷⁰ Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов... – С. 102.

⁷¹ Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма ... – С. 51. Рис.

⁷² Алиакбарова А. Ремесленный комплекс Джампик-калы ... – С. 89–93.

⁷³ Кдырниязов М.-Ш, Кдырниязов О.-Ш. Металлические изделия из средневекового Миздахкана... – С. 211–227.

⁷⁴ Кдырниязов М.-Ш. Ремесло Хорезма в XIII–XIV вв. // Археологические исследования в Каракалпакии. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 126.

⁷⁵ Турганов Б.К. Металлообработывающее ремесло средневекового Хорезма (по археологическим материалам VIII–XIV вв.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Самарканд, 2009. – С.27

⁷⁶ Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII–V вв. до н.э. По материалам Уйгарака // ТХАЭЭ. – М.: Наука, 1973. Т. VIII. Табл. XXI; Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1990. – Б. 140–141.

⁷⁷ Неразик Е.Е. Раскопки Якка Парсана ... – С. 29. Рис. 13, 7.

Кўшбулок) топилган⁷⁸. Улар ўрта аср қишлоқ масканларида ҳам кузатилади⁷⁹.

Меҳнат қуруллари турини Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликларидан маълум бўлган бел (белкурак)лар тўлдиради. Акча Гелин ва Талайхон ота қарвонсаройидан квадрат шаклидаги белкураклар топилган⁸⁰.

Қадим замонлардан бошлаб инсониятнинг меҳнат фаолияти билан узвий боғлиқ меҳнат қурулларида яна бири болталардир. Болталардан дурадгорлик ва хўжалик ишларида фойдаланилган. Ўрта аср болталари Хоразмнинг Тўққалъа⁸¹, Дарёликқўл, Гулдурсин⁸², Миздахкон ва Жампиққалъа⁸³ ёдгорликларидан аниқланган.

Дурадгорлик ишларида болталардан кейинги ўринда турувчи тешалар Жампиққалъа ва Устюртдаги Ажигелди қарвонсаройларида қайд қилинган⁸⁴.

Тадқиқотлар жараёнида қайд қилинган арра ва рандалар ҳам темирчи усталар томонидан тайёрланган. Қаватқалъадан топилган арра Хоразмшоҳлар даври билан саналади.⁸⁵

Ҳунармандчиликда ва хўжалик ишларида кенг фойдаланилган қайчилар икки таснифий турга: пружинали ва ошиқ-мошиқли қайчиларга бўлинади. Қайчилар ўрта аср Хоразм ёдгорликларидан Жигарбанд⁸⁶, Миздахкон, Талайхон ота қарвонсаройида қайд қилинган⁸⁷. Темирчилик асбобларидан икки жағли омбурлар металлни қисиш, эгиш, суғуриш ишларида қўл келган.

Хоразмнинг ўрта асрлар даври ноёб топилмалардан ҳисобланмиш тарози паллалари ва қадоқ тошлари уй-рўзгор ва хўжалик буюмлари сирасига киради. Улар Кўҳна Урганч, Миздахкон, Жампиққалъа ва Қаватқалъа ёдгорликларидан маълум. Кўҳна Урганчдан доира шаклидаги мис пластиналардан ясалган иккита тарози палласи топилган. Улар XV–XVII асрлар билан саналанади⁸⁸. Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликларида тарози

⁷⁸ Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемаха кала... – С. 180. Рис. 5, 3; Ўша муаллиф. О средневековых городах Хорезма... – С. 51. Рис. 6, 9-10; Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово- ремесленного квартала XV–XVII вв. на городище Таш кала... – С. 526; Кдырнийзов М.-Ш., Кдырнийзов О.-Ш. Металлические изделия из средневекового Миздахкана... – С. 212. Рис.1, 2; Вишневская О.А. Раскопки караван-сараяв Ак Яйла и Талайхан ата ... – С. 460; Манылов Ю.П. Археологические исследования караван-сараяв Устюрта // Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1982. – Вып. 1. – С. 116.

⁷⁹ Неразик Е.Е. Сельское жилище Хорезма (I–XIV вв.) ... – С. 110–111.

⁸⁰ Вишневская О.А. Раскопки караван-сараяв Ак Яйла и Талайхан ата ... – С. 460.

⁸¹ Гудкова А.В. Ток кала ... – С. 53–55.

⁸² Неразик Е.Е. Сельское жилище Хорезма ... – С. 110.

⁸³ Кдырнийзов М.-Ш., Кдырнийзов О.-Ш. Металлические изделия ... – С. 214.

⁸⁴ Гудкова А.В. Ток кала... – С.54. Рис. 12,3; И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Санъат музейи захиралари. Шифр. Жанпиккала. Кп. 40028/5, инв. 320; Манылов Ю.П.Археологические исследования караван-сараяв Центрального Устюрта ... – С. 115.

⁸⁵ И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Санъат музейи захиралари. Шифр. Кават кала. Кп. 3772/698, инв. 1588.

⁸⁶ Вишневская Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента ... – С. 89.

⁸⁷ Вишневская О.А. Раскопки караван-сараяв Ак Яйла и Талайхан ата...– С. 461. Кдырнийзов М.-Ш., Кдырнийзов О.-Ш. Металлические изделия – С. 215.

⁸⁸ Федоров-Давыдов Г.А. Раскопки торгово-ремесленного квартала XV–XVII вв. на городище Таш-кала ... – С. 526.

паллалари билан бир қаторда мис ва жездан тайёрланган қадок тошлари учрайди. Улар кубик ҳамда цилиндрсимон кўринишда бўлиб, сирти геометрик чизиклар ёки зооморф шаклда безалган⁸⁹.

Темир, тош, сопол чироқлар ҳам Хоразмнинг ўрта аср ёдгорликларида кўплаб учрайди. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Санъат музейида сақланаётган уч оёқли нодир чироқнинг сиртки қисми геометрик ва ўсимлик барглари нақшлари билан безатилган⁹⁰.

Темирдан ясалган цилиндрсимон қулф ва калитлар, дастлаб, Жигарбанд маданий қатламларида қайд қилинган бўлиб, улар бронза қоплама билан қопланган. Бошқа бир цилиндрсимон пружинали қулф Миздахконда топилган⁹¹. Қорақалпоғистон Санъат музейи фондида тўғри бурчакли темир қулф ва тухумсимон, безатилган, учи эгри мис калит мавжуд⁹².

Шу даврга оид топилмалар орасида занжир ва михлар, бронзадан тайёрланган пардоз-андоз буюми – ойналар ҳам кўпчиликти ташкил қилади.

Бронза, мис қозонлар воҳанинг Жигарбанд, Шоҳсанам ва Пулжой ёдгорликларидан маълум. Хоразм хунармандлари темир ва мисдан товалар ҳам тайёрлаганлар. Чўмичсимон шаклдаги мис товалар Шоҳсанам, Қаватқалъа ёдгорликларида қайд қилинган.

Қадимги даврлардагидек, ўрта асрларларда ҳам қурол-аслаҳанинг асосини ўқ-ёйлар (камон), найза, ханжар, қилич, қалқон ва совут ташкил қилган.⁹³ Хоразмнинг ўрта асрларларга оид камон ўқи учлари Куюкқалъа, Якка Порсон, Бургутқалъа, Тўкқалъа, Филқалъа, Устюрт ёдгорликлари – Қалъалиқ–2, Қазған–2, –5 (кўрғонлар), Дарёликкўл, Жампиққалъа, Миздахкондан топилган. Улар ўқ учининг тузилиши, кесими ва дастасига кўра таснифланади⁹⁴.

Хоразмнинг ўрта аср қуролсоз хунармандлари томонидан тайёрлаган найзалар отлик аскарларга мослаб ишланган ва яқин масофадан зарба беришга мўлжалланган. Хоразм хунармандчилиги маҳсулотларидан бўлмиш қилич, шамшир ва ханжарлар ўрта асрларда воҳа аҳолисининг ҳарбий фаолиятида кенг қўлланган.

⁸⁹ И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Санъат музейи захиралари. Шифр. Қават қалъа. Кп. 39169, инв. 196, кп. 41095/65, инв. 1344; Жанпық қалъа. Кп. 3772/102, инв. 89, кп. 3772/33, инв. 88; кп. 3772/94, инв. 80; Неразик Е.Е. Сельское жилище ... – С. 110; Доспанов О.Т. Жампық кала-орта эсир естелиги... – Б. 69–70.

⁹⁰ Альбом. Государственный музей Искусства КАССР. – М., 1978. С. 12–13.

⁹¹ Туребеков М.Т. Раскопки жилого массива гончаров средневекового Миздахкана // Археология Приаралья. – Нукус, 2003. – Вып. VI. – С. 77.

⁹² И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Санъат музейи захираси. Шифр. Кп. 40927, инв. 1463; Кп. 22889, инв. 247.

⁹³ Алламбергенов М. История военного дела в низовьях Окса и Яксарта. – Ташкент: Национальная библиотека, 2008. – С.188.

⁹⁴ Хожаниязов Г.Х. Вильчатый наконечник стрел XIV в.из Миздахкана ... – С. 68–73; Кдырнязов М.-Ш., Кдырнязов О.-Ш. Металлические изделия из средневекового Миздахкана ... – С. 218.

Н.Н.Вактурская, С.А.Трудновская, Е.А.Армарчук, Н.Ю.Вишневская, М.-Ш.Кдырнийазовлар Шемахақалға, Шехрлик⁹⁵, Шохсанам, Қуйисой⁹⁶, Садвар⁹⁷ ва Миздахкон⁹⁸ ёдгорликларида шишасозлар устахоналари мавжуд бўлганлигини аниқлаганлар.

Юқорида қайд қилинган барча турдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари диссертацияда атрофлича таснифланди ҳамда уларнинг функционал вазифалари ва трансформацион ўзгарувчанлик хусусиятлари очиб берилди.

Ёзма манбалар маълумотлари ва археологик тадқиқотлар ўрта асрлар шароитида воҳада меҳнатни ташкил қилиш жараёни нисбатан мукамал йўлга қўйилганлигини таъкидлайди. Миздахкон ёдгорлигида яқка ҳунармандлар устахоналари билан бир қаторда цех шаклида фаолият кўрсатган устахоналар ҳам топиб ўрганилган. М.Т.Тўрабековнинг фикрича, бу ихтисослашган цехда бош устандан ташқари 7 та кулол, 7 та шогирд, 4 та ёрдамчи ишчилар ҳунармандчилик фаолияти билан банд бўлишган⁹⁹.

Закариё ал-Қазвиний, Ибн Баттута ва Рашидиддин ўз асарларида “корхона”, “цех” туридаги устахоналарнинг, махсус ихтисослашган ҳунармандлар гуруҳининг мавжудлиги тўғрисида маълумот беришган. “Корхона” шаклидаги ҳунармандлар ташкилоти Мовароуннаҳрда XIII асрдан маълум¹⁰⁰.

Ўрта аср шароитида натурал хўжаликнинг устунлиги сабабли яқка ҳунармандлар мавқеи баланд бўлган. Шу билан бирга, давлат миқёсидаги корхоналар (цехлар) ҳам мавжуд бўлган.

Сўнгги йилларда тадқиқотчилар ўрта асрлар ҳунармандчилиги соҳаларида режалаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, тартибга солиш ва назорат қилиш, замон эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқиб, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бир қатор ташкилий масалаларга ўз эътиборларини қаратмоқдалар¹⁰¹.

Марказий Осиёнинг ўрта аср шаҳарларида, жумладан, Хоразмда ҳам ҳунармандлар ва савдогарлар уюшган гуруҳ ёки қатлам тарзида алоҳида даҳаларда жойлашиб, шаҳардаги ҳар қайси маҳалла ҳунармандчилигининг алоҳида бир тури билан машғул бўлган. Даҳалар, кўпинча, уларда истиқомат қилувчи аҳолининг касби билан аталган¹⁰².

⁹⁵ Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемаха кала ... – С. 174, 181; Ўша муаллиф. О средневековых городах Хорезма ... – С. 50–51.

⁹⁶ Трудновская С.А. Стекло с городища Шах-Санем ... – С. 428–430.

⁹⁷ Армарчук Е.А. Садвар-средневековый город на юге-востоке Хорезма (к изучению хорезмийской городской культуры IX–XI вв.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – М., 1992. – С. 22.

⁹⁸ Кдырнийазов М.-Ш. Ремесло Хорезма в эпоху Амира Тимура и Тимуридов // Вестник ККО АН РУз. 2008. – №1. – С. 68.

⁹⁹ Тўрабеков М.Т. Раскопки жилого массива гончаров средневекового Миздахкана ... – С.78–79.

¹⁰⁰ История Узбекской ССР. – Ташкент, 1950. Т. 1. – С. 303.

¹⁰¹ Сағдуллаев А. Инновацион менежмент асосларининг шаклланиши тарихидан // Инновацион менежмент. – Тошкент: Akademiya, 2005. – Б. 21.

¹⁰² Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – С. 299.

Майда устахоналарнинг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятлари чекланган бўлиб, уста, хўжайин ва 2–3 шогирлардан иборат жамоа энг кенг тарқалган ишлаб чиқариш жамоаси бўлган¹⁰³. Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир неча устахонани ўзига бирлаштирган цехлар анча мураккаб иқтисодий вазифаларни бажарган.

Маҳсулотларни сотиш учун янги бозорлар изланиши ички савдо-сотиқ ва халқаро карвон савдосининг кенг ривожланишига олиб келди. XII асрга келиб, Марв, Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарлари сингари Хоразм шаҳарларида ҳам тўқимачилик ҳунармандчилигининг анча кенг тарқалган турига айланди. Хоразмдан халқаро савдога қимматбаҳо гиламлар ва пахта газламаси – “арзанж” олиб чиқилган¹⁰⁴.

Марказий Осиёнинг турли вилоятларида ҳунармандчилигининг ривожланиши даражаси турлича бўлиб, бу мураккаб ва серқирра жараён саналади¹⁰⁵. Ўрта асрларда Хоразмда ҳунармандлар меҳнати, маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси шаҳар ва қишлоқларда бир текисда бўлмаган.

Фикримизча, ҳунармандчилик устахоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг алоҳида ўзига хос тури сифатида, шаҳарни белгилашнинг муҳим омили эса муайян тарихий шароитдаги ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қараладиган бўлса, бунда ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар, ҳунамандчилик турларининг ихтисослашув даражаси, маҳсулотларни тақсимлаш шароитлари, техник имкониятлар ва технология жараёнларини ташкил этиш шароитлари ва бошқалар инобатга олинмоғи лозим.

Ҳунармандчилигининг роли фақатгина тайёрланган маҳсулотлар миқдори ҳамда уларнинг тақсимооти билан ўлчанмайди. Унинг асосий роли ҳунармандчилигининг ижтимоий меҳнатни тақсимлашдаги махсус ва ўзига хос ишлаб чиқариш шакли эканлигидан далолат берувчи илғор йўналишлари билан белгиланади. Ҳунармандчилигининг ўрта аср шаҳарлари тараққиётига фаол таъсири унинг ички ўсиш имкониятларига эгаллигига ҳам боғлиқ¹⁰⁶.

Фикримизча, ишлаб чиқариш кучлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ялпи техникавий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланган технологияларни такомиллаштириш, меҳнатнинг ишлаб чиқариш қуввати умумий ҳажмини кўпайтириш эвазига ҳунармандчилигининг ички тараққий этиш имконияти сақланиб қолади.¹⁰⁷

Ҳунармандчилигининг ўрта аср шаҳарлари тараққиётига фаол таъсири унинг ўсиш кўрсаткичларида, аниқ бир маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига ихтисослашувида, иқтисодий имкониятларининг ўсишида, ишлаб чиқариш

¹⁰³ Сағдуллаев А. Бошқарув тизимига янгиликларни жорий этиш тарихидан//Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. – №4. – Б. 17.

¹⁰⁴ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город ... – С. 273; Мусакаева А. Қадим Хоразмда нарх-наво // Фан ва турмуш. – Тошкент, 2006. – №1–3. – Б. 58.

¹⁰⁵ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии ... – С. 269.

¹⁰⁶ Кўрсатилган асар. – С. 269–270.

¹⁰⁷ Сайко Э.В. Ремесленный труд в развитии средневекового города Средней Азии//Средневековая городская культура Казахстана и Средней Азии. – Алма-Ата: Наука, 1983. – С. 187.

кувватларининг марказлашувида намоён бўлади. Бундай ўзгаришлар, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда, ишлаб чиқариш ҳажмининг характери ва қўлланадиган усуллар даражасида, меҳнат воситаларининг ихтисослашувида, технологик инновацияларни яратиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни зарурий ашё ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда асосий ишлаб чиқариш бирлиги – устахонанинг амал қилишида намоён бўлади¹⁰⁸.

“Марказий Осиё маданияти тарихида Хоразм ҳунармандчилигининг ўрни ва унга таъсир этувчи омиллар” деб номланувчи учинчи бобда Хоразм ҳунармандчилигининг ўрта асрлар иқтисодий алоқалар тизимидаги ўрни ҳамда воҳада ҳунармандчилик ривожига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар очиб берилди.

Хоразмлик ҳунармандлар ва савдогарлар Шарқий Европа (Хазария, Волга бўйи Булғорияси, Олтин Ўрда), Яқин (Миср, Хуросон) ва Узоқ Шарқ (Хитой) мамлакатларидаги иқтисодий муҳитга ҳам ўз таъсирларини ўтказганлар. Хоразмликлар айрим хорижий шаҳарларда доимий равишда ишлаб чиқариш ва тижорат билан шуғулланганлар. Нисо шаҳридаги (Шимолий Хуросон) ер мулкларнинг катта қисми хоразмликлар қўлида бўлган. Шунингдек, Ироқдаги хоразмлик савдогарларга ғамхўрлик кўрсатилганлиги тўғрисидаги ёзма манбалар маълумотлари ҳам фикримизни тасдиқлайди¹⁰⁹.

Ёзма ва археологик маълумотларга кўра ўрта аср савдо ва маданий алоқалари таъсирида Хоразмдан тайёр маҳсулотлар билан бир қаторда, тажрибали, моҳир ҳунармандлар ёки ҳунармандлар гуруҳи чет элларга чиқиб, маҳаллий тажрибаларни янги шароитда қўллай бошлаганлар¹¹⁰. Бунга хоразмликларга хос ҳунармандчилик салоҳияти, шунингдек, қўшни этномаданий ҳудудларда воҳанинг бозорбоп молларига бўлган талабнинг катталиги асосий сабаб бўлган.

Ривожланган ўрта асрларда Хоразмга хос урбанизация ва ҳунармандчилик маданиятининг таъсири анча кенг ҳудудларга, жумладан, жануб ва шимолда – Жанубий Туркменистон, Волга бўйи (Булғория, Олтин Ўрда), Шимолий Кавказ, Қрим, Молдовага қадар кириб борганлигини кўрамиз. Турли ҳунармандчилик буюмларнинг ишлаб чиқарилиши, савдонинг ташкил қилиниши, маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларнинг изланиши халқаро қарвон савдосининг кенг ривожланишига олиб келди.

¹⁰⁸ Сағдуллаев А. Инновацион менежмент асосларининг шаклланиши тарихидан ... – Б. 22.

¹⁰⁹ Бунёдов З.М. Ануштагин-Хоразмшоҳлар давлати – Тошкент: Санъат ва адабиёт, 1997. – Б. 136.

¹¹⁰ Вактурская Н.Н. К вопросу о культурных связях средневекового Хорезма с Китаем // Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М.–Л., 1959. – С. 26–32; Кдырнязов М.-Ш. Зеркала с изображением драконов из Миздахкана // Вестник ККО АН РУз. – 2000. – №3. – С. 70–71; Ўша муаллиф. Культурные связи средневековых городов Хорезма // Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1984. – Вып. II. – С. 97.

XII асрдан бошлаб, Мовароуннахрда карвон савдоси муҳим аҳамиятга эга эди.¹¹¹ Савдо йўллари Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларини, алоҳида туманлар ва вилоят марказларини ўзаро боғлаб турар эди. Айнан шу даврда Хоразмдан Волга бўйи, Шимолий Кавказ ва Шарқий Европага олиб борувчи савдо йўлларнинг аҳамияти ошиб борди¹¹².

Кўхна Урганчдан Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб Ҳазорасп орқали Марв–Амул йўналишда ўтган йўллар Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон шаҳарларига олиб борган¹¹³. Хоразм воҳаси Мовароуннахрнинг шимолдаги юртлар ва Шарқий Европа билан бўлган иқтисодий, маданий алоқаларида муҳим аҳамият касб этган.

Амир Темур ва темурийлар даврида Олтин Ўрда ва Русь шаҳарлари билан савдо-сотик муносабатлари мавжуд бўлиб, XIV асрга оид рус йилномаларида Қуйи Новгород шаҳрида яшовчи хоразмлик савдогарлар ҳақида маълумотлар мавжуд¹¹⁴.

Демак, халқаро карвон савдосининг ривожланиши натижасида, Хоразмда ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотлари узоқ юртларга олиб борилган. Ушбу жараён ўрта асрларда бошланган. Тадқиқотчилар фикрига кўра, Япония императори антиқа буюмлар хазинаси – Шосоинда сақланаётган VII–VIII асрларга оид қизил чармдан тикилган пойабзал Хоразмда ишлаб чиқарилган¹¹⁵.

Ўрта асрларда Хоразмнинг ҳунармандчилик салоҳиятининг шаклланиб ривожланиши учун бир неча ички ва ташқи омиллар таъсир этган. Тарихий-сиёсий омил шуларнинг энг муҳимларидан саналади.

Хоразмда ўрта асрлар даври тарихий шароитида ҳунармандчиликка таъсир этган омиллардан яна бири–бу воҳада қадимдан шаклланган маданий-хўжалик марказларининг жойлашиши ва улардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳисобланади. Бунга хўжалик асослари, аҳолининг жойлашиш ҳудуди, зичлиги хусусиятлари киради. Воҳадаги маданий-хўжалик марказларининг жойлашиши бевосита табиий-географик омилларга боғлиқ бўлган.

Этномаданий ва савдо алоқалари омили Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Хоразмда моддий маданиятнинг шаклланишига, жумладан, ҳунармандчилик тармоқларининг ривожига миграция жараёнлари ҳамда бошқа минтақалар халқлари ва қўшнилари билан олиб борилган маданий-хўжалик алоқаларининг таъсири бўлган. Буни савдо

¹¹¹ Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Академия, 2004. – Б. 21.

¹¹² Манылов Ю.П., Юсупов Н. Караван-сарай Центрального Устюрта // СА.–1982. – №2. – С. 180–184; Ходжаниязов Г. Караванные пути северной периферии Хорезма // Великий шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее: Материалы научно-теоретической конференции. – Ташкент, 2006. – С. 36–40; Ртвеладзе Э.В. К истории города Маджар // СА. – 1973. – №4. – С. 271–276.

¹¹³ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 155.

¹¹⁴ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари... – Б. 185.

¹¹⁵ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город ... – С. 101.

ва айирбошлашнинг бош воситаси бўлмиш ҳунармандчилик маҳсулотларидаги ўзгаришлардан ҳам кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Археологик, манбашунослик ва тарихшунослик маълумотларини ўрганиш асосида тўпланган ноёб маълумотларни изчил ва мунтазам илмий таҳлил қилиш ва умумлаштириш йўли билан мазкур мавзуга оид қуйидагича тегишли илмий хулосаларга келинди:

1. Хоразм ҳунармандчилиги соҳалари тарихи ҳамда уларнинг Марказий Осиё моддий маданияти тарихидаги ўрни турли ёзма манбаларда ва тарихшуносликка оид тадқиқотларда ўз аксини топган. Аммо ҳалига қадар мазкур муаммонинг барча қирраларини тўлиқ очиб берувчи асарлар ва тадқиқотлар яратилмаган эди.

2. Хоразмнинг ўрта асрлар даври ҳунармандчилиги тарихи масаласини ўрганиш борасида С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик-этнографик экспедицияси ходимлари жуда катта ишларни амалга оширдилар. Кейинчалик эса бу муаммони ўрганишга қорақалпоғистонлик археолог, тарихчи ва этнографлар катта ҳисса қўшдилар. Натижада ҳунармандчилик тарихини даврлаштириш, ривожланиш қонуниятларига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш имкони яратилди.

3. XII–XIII аср бошларида Марказий Осиё тарихида кечган сиёсий жараёнлар–марказлашган Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар давлатининг вужудга келиши, сулола вакиллари томонидан Мовароуннаҳр, Манғишлоқ, Жанубий Қозоғистон, Эрон, Озарбайжон, Ироқ каби бой ҳудудларнинг мамлакат таркибига қўшиб олиниши ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожига катта таъсир кўрсатган жараён бўлган.

Хоразмда рўй берган ўрта асрларга хос босқинчилик урушлари, сулолалар алмашинуви, экологик вазиятлар натижасида инқирозли ҳолатлар бўлиб туришига қарамасдан, XIII–XV асрларда ҳунармандчилик тармоқларининг ривожига тўхтаб қолмаган.

4. Урбанизация жараёнларининг ўсиши туфайли аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ҳунармандчиликнинг янги ўчоқлари шаклланди. Шаҳарсозлик маданияти янги ҳудудларга – Устюрт қирлари бўйлаб ғарбий чекка туманлар Шимолий Давдон, Дарёликкўл бўйлариغا тарқалди. Асрлар давомида ортда қолган Бургутқалъа, Қаватқалъа каби ҳудудлар XIII асрнинг иккинчи ярмида қайтадан гуллаб яшнади.

5. Шаҳарлар сингари қишлоқ масканлари ҳудудларида ҳам ҳунармандчилик фаолияти билан боғлиқ манзаралар–темирчилик, мисгарлик, шишасозлик, кулолчилик устахоналари излари, тошқол уюмлари кўплаб учрайди. Ёдгорликлардан меҳнат қуроллари, қурол-аслаҳалар, заргарлик ва зеб-зийнат буюмлари, темирдан тайёрланган от-улов анжомлари ва бошқа кўплаб металл буюмлар топилган.

6. Ёзма манбалар маълумотлари ва археологик тадқиқотлар натижалари ўрта асрлар шароитида меҳнатни ташкил қилиш жараёни йўлга қўйилганлигини тасдиқлайди.

Якка ҳунармандлар устахоналари Хоразм ёдгорликларида кўплаб қайд этилган. Аммо индивидуал меҳнат билан шуғулланувчи уста тор ихтисослик йўналишига асосланган бўлиб, бозор шароитидаги ўзгарувчанлик талабларига ўз вақтида жавоб бера олмаган. Якка ҳунармандлар билан бирга цех характерида фаолият кўрсатган қатор устахоналар кашф этилди. Муқоясавий таҳлиллар цех шаклидаги корхоналар Хоразм билан яқин маданий алоқада бўлган Волга бўйи Булғорияси, Олтин Ўрта шаҳарларида ҳам бўлганлигини кўрсатади.

7. Ихтисослашган ҳунармандчилик соҳасини ички ўзгартириш имконияти XII–XV асрлар Марказий Осиё шаҳарлари иқтисодий базаси истиқболда фаол тараққий этиши ва кенгайишининг муҳим омили бўлиб келган. Ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг тарихан таркиб топган илғор тараққийси, ҳунармандчиликни техник жиҳатдан ташкил қилишнинг такомиллашуви ва мураккаблашувининг яна-да яққолроқ ифодаланиши, янги ҳунармандчилик фаолиятини амалда ташкил этишнинг серқирра шакллари ва шароитлари орқали кечган.

8. Хоразмда ўрта аср ҳунармандчилик маданиятининг шаклланиши ва ривожига ички ва ташқи омиллар сабаб бўлган. Ички омилларга вилоятда қадимдан таркиб топган деҳқончилик ва урбанизация жараёнларининг узлуксиз давом этиши, ҳунармандчиликнинг хом ашё захиралари воҳанинг ўзида мавжудлиги, сув манбаи ҳисобидан ўрта асрларда ўзлаштирилган янги ҳудудларда аҳолининг ўсиши; ташқи омилларга сиёсий вазият–қўшни этномаданий ҳудудларни бириктирган кучли марказлашган давлатларнинг ташкил топиши, Каспий–Орол бўйи атрофидаги кўчманчилар ва Мовароуннаҳр воҳалари ҳунармандчилик маданияти, жануб, шимол ҳудудларидаги давлатлар билан ўзаро алоқалар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ўрта асрлар Хоразм ҳунармандчилиги тарихи мавзусининг таҳлили натижасида мазкур масалага тегишли қуйидаги амалий тавсиялар илгари сурилади:

– XX асрнинг 30-йилларидан 90-йилларига қадар ҳамда мустақиллик йилларида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон ҳудудларида жуда кенг миқёсда археологик тадқиқотлар олиб борилди. Аммо шунга қарамасдан, кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган археологик материаллар ҳам мавжудки, мазкур мавзу бўйича тадқиқотларни давом эттириш ва музейларда янги экспозицияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди;

– Хоразм ҳунармандчилиги тарихига оид хориж давлатлари фондларида сақланаётган кўплаб манбаларни ҳам ўрганиш ва улардаги маълумотларни илмий муомалага киритиш лозим;

– юқоридаги муаммоларни ижобий ҳал қилиш мақсадида қўшни ва узоқ хорижий давлатларнинг тегишли илмий муассасалари билан кенг миқёсдаги илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ;

– энг муҳими, маҳаллий археолог, этнограф ва тарихчи мутахассисларнинг янги авлодини етиштириб чиқаришга асосий эътиборни қаратиш Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм тарихи билан боғлиқ илмий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишнинг гарови ҳисобланади;

– бадий ҳунармандчилик ва амалий санъатни ривожлантириш мақсадида воҳа мутахассислари, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоқистон бўлими археолог, тарихчи ва этнограф олимлари Республика илмий муассасалари (университет ва музейлар) билан ўзаро ҳамкорликни яна-да кучайтиришлари мавжуд муаммоларни ҳал қилишда жуда катта аҳамиятга эга.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев Т., Машарипов Қ., Юсупов Ш. Хоразм савдо марказларининг IX–XIII асрлар манбаларида ёритилиши//Илм сарчашмалари. – Урганч, 2003. – № 1. – Б. 32–35.
2. Абдуллаев Т.П. Водные пути и транспорт в древнем и средневековом Хорезме (письменные источники)//Приаралье на перекрестке культур: Тезисы докладов международного симпозиума. – Нукус–Бустон–Беруни, 2007. – С. 10–11.
3. Абдуллаев Т.П. Ўрта аср Хоразм алоқалар тизимида хунармандчиликнинг аҳамияти //Илм сарчашмалари. – Урганч, 2009. – № 3. – Б. 20–23.
4. Абдуллаев Т.П. Хоразм хунармандчилиги ёзма манбаларда// Жамият ва бошқарув. – Тошкент: Академия, 2009. – № 3. – Б. 72–73.
5. Абдуллаев Т.П. История изучения ремесла в средневековом Хорезме// Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2009. – № 3. – С. 97–100.
6. Абдуллаев Т.П. Хоразмнинг шишасозлик хунармандчилиги//Илм сарчашмалари. – Урганч, 2009. – № 5. – Б. 6–11.
7. Абдуллаев Т.П. Хоразмда талькохлорит тошидан ишланган маҳсулотлар (XII–XIV аср)//«Археологические исследование Респубике Каракалпакистан, и их роль в развития современной исторической науки» Республиканское научно-теоретическая конференция (18–19 декабря 2009) – Нукус, 2009. – С. 1–4.
8. Абдуллаев Т.П. Ўрта аср Хоразм хунармандчилиги ривожига таъсир этувчи омиллар//Ижтимоий фанларнинг долзарб муаммолари (Хоразм Маъмун академияси илмий мақолалар тўплами) – Хива, 2010. -№ 1.- Б. 6–9.
9. Абдуллаев Т.П. Ремесло средневекового Хорезма и его связи с восточной Европой//Материалы II Международной научно-практической конференции «Историко-культурное наследия Каспий-Аральского региона» (26–28 августа 2010) – Актау, 2010. – С. 93–96

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича тарих фанлари
номзоди илмий даражасига талабгор Абдуллаев Тимур Пулатовичнинг
“XII–XV асрларда Хоразм ҳунармандчилиги” мавзусидаги
диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч (энг муҳим) сўзлар: манбалар, археологик тадқиқотлар, тарихшунослик, ўрта асрлар, ҳунармандчилик буюмлари, маданият, тўқимачилик, кулолчилик, шишасозлик, заргарлик, ишлаб чиқариш, шаҳарлар, савдо-сотиқ, карвон йўллари, иқтисодий муносабатлар.

Тадқиқот объектлари: Хоразмнинг ўрта асрлар даври ҳунармандчилиги тарихига оид ёзма манбалар, археология ва тарихшунослик маълумотлари, музейлар фондлари, ҳунармандчилик турлари ва буюмлари, ҳунармандчиликдаги анъанавийлик ва ўзгарувчанлик жараёнлари.

Ишнинг мақсади: Хоразмнинг XII–XV асрга оид ҳунармандчилик тармоқлари, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, технологик янгиликларни яратиш ва амалиётга жорий этиш, маҳаллий ҳунармандчиликнинг ривожланиш хусусиятлари ва тарихий қонуниятлари, Марказий Осиё маданияти тарихида Хоразм ҳунармандчилигининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: тарихий маълумотларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, хронологик, қиёсий-тарихий ёндашув усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: замонавий концептуал қарашлар асосида ривожланган ўрта асрлар Хоразм ҳунармандчилиги тарихининг долзарб муаммолари биринчи бор комплекс таҳлил қилиниб, ёзма ва археологик манбаларини қиёсий таққослаш ва умумлаштириш орқали янги маълумотлар илмий муомалага жорий этилди, шунингдек, ташқи маданий-иқтисодий алоқаларда маҳаллий ҳунармандчиликнинг ўрни кўрсатиб берилди ва жамлаб ўрганилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари Хоразмда ўрта асрлар ҳунармандчилигига хос хусусиятлар ва тарихий ривожланиш қонуниятларининг кам ўрганилган жиҳатларини тўлдиришга ва маҳаллий ҳунармандчилик тарихини янги асосларда ўрганишга хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот мавзуси бўйича 9 та мақола чоп этилган, натижалардан ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижаларидан ўқув жараёнида, ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда, музейларда янги экспозициялар ташкиллаштиришда ҳамда тарихий-маданий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Абдуллаева Тимура Пулатовича на тему: «Ремесло Хорезма XII–XV вв.» на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01 – История Узбекистана

Ключевые слова: источники, археологические исследования, историография, средние века, ремесленные изделия, культура, ткачество, гончарство, стеклоделие, ювелирное дело, производство, города, торговля, караванные пути, экономические отношения.

Объекты исследования: письменные и археологические источники по истории ремесла средневекового Хорезма, фонды музеев, виды ремесла и типы ремесленных изделий, традиции и инновации в процессе развития ремесла.

Цель работы: анализ ремесла Хорезма XII–XV вв., организации ремесленного производства и внедрения технологических новшеств, изучение особенностей и исторических закономерностей развития ремесла Хорезма, его роли и места в истории культуры Центральной Азии.

Методы исследования: систематизация, анализ и обобщение исторических данных, хронологический, сравнительно-исторический метод.

Полученные результаты и их новизна: на основе обобщения письменных источников и археологических материалов, современных концептуально-методологических подходов предпринята попытка комплексного анализа и интерпретации актуальных проблем истории ремесла Хорезма эпохи развитого средневековья. В научный оборот введены новые данные по истории ремесла Хорезма, показано значение местного ремесленного производства в развитии экономических и культурных связей.

Практическая значимость: результаты исследования значительно восполняют существующие лакуны в истории изучения характерных особенностей и закономерностей генезиса ремесла средневекового Хорезма и позволяют на новой основе изучать динамики его развития.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по теме диссертации опубликовано 9 статей, результаты исследования используются в учебном процессе.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы в учебном процессе, при написании учебников и учебных пособий, в процессе создания новых экспозиций музеев, а также изучения и пропаганды историко-культурного наследия народа.

RESUME

Thesis of Timur Abdullaev on the scientific degree competition of the candidate of historical Sciences, on Specialty 07.00.01- “The history of Uzbekistan”. On the Subject: “Handicraftsman of Khoresm in the XII-XV centuries”.

Key words: sources, archeological research, history-studying, medieval, handicrafts goods, culture, weaving, ceramics, glassware, jewellery, production, cities, trade, caravan roads, economic relations.

Subjects of the inquiry: Written and archeological sources on the history of handicrafts of medieval Khoresm, funds of museums, of handicrafts and types of handicrafts goods traditions and innovation in the processes of the development of handicrafts.

Aim of the inquiry: Analysis of handicrafts of Khoresm in the XII–XV centuries the organization of the handicrafts production and implementation of technological novelty. Investigation of peculiarities and historical legislation development of the handicrafts of Khoresm its role and place in the history of culture of Central Asia

Methods of inquiry: Systematization, analysis and summarizing of the historical dates, chronological, comparative historical, method.

The results achieved and their novelty: On the backgrounds of summarizing of written sources and archeological materials, modern conceptual – methodical approach the attempt was made by complex analyses and interpretation of actual problems of the history of handicrafts on the epoch of development medieval Khoresm. New dates were introduced by the history of handicrafts of Khoresm, the importance handicrafts production in the development of economic and cultural ties were shown.

Practical value: The results of the thesis can be saved to fill a gap in our knowledge some peculiarities and legislation development of medieval handicrafts of Khoresm which is more important and characteristic for studying of the history and gives a possibility to research its history in a new basic.

Degree of embed and economic effectivity: by theme of dissertation were applied in published in nine articles and the results of the research are used in a teaching process.

Sphere of usage: The approaches in the dissertation may be useful in lecturing, in completing textbooks and school books, in the process of a new exposition of the museums, and also in agitating of the historic-cultural heritage of people.